## • Свердловск олий партия мактабидан репортаж

**Ҳозирги давримиз кўпгина юксак тушунчаларнинг йўқолиб кетган маъносини янгилаяпти. Қардош халқлар оиласи, бирдамлик ва дўстлик тўғрисидаги нутқларга жўр бўлган дабдабабозлик гулдуроси тинди ва ҳаётдаги интернационализмни рапортдаги интернационализмдан фарқ қилиш енгил бўлиб қолди.**

**Ўзбекистон Компартияси учун турғунлик ва рашидовчилик меросидан тозаланишдек қийин дамларда мамлакат коммунистлари энг реал ва самарали ёрдам — кадрлар билан ёрдам беришни таклиф қилдилар. Россия Федерацияси, бошқа республикаларнинг ташкилотлари 400 нафардан кўпроқ синалган партия аъзоларини бизда ишлагани юборди. Шу билан бирга Ўзбекистоннинг худди шунча вакили КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги ижтимоий Фанлар академиясига, Иттифоқнинг энг яхши партия мактабларига ўқишга таклиф этилди. Бу тасодифий ҳол эмас. Энди улар янги ғоя, билим ва тасаввурлар ҳосил қилиб, республикага қайтиб келадилар ва қайта қуриш жангчиларининг сафидан ўрин оладилар.**

**ЎзТАГ мухбири Ўзбекистон вакилларининг энг катта отрядларидан бири таълим олаётган Свердловскда бўлди.**

# ҚАЙТА ҚУРИШ ЖАНГЧИЛАРИ, РЕСПУБЛИКА СИЗЛАРНИ КУТЯПТИ!

ПАРТИЯ мактабининг катта зали Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. С. Икромов билан, таниқли археолог, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги А. А. Асқаров билан учрашишни хоҳлаганларнинг ҳаммасини сиғдира олмади. Улар республикамиз вакилларининг ҳаёти ва ўқиши билан танишиш учун Урал пойтахтига келган эдилар. Улар Биринчи Май арафасида олий партия мактабида бўлиб ўтган Ўзбекистон кунида қатнашдилар. Учрашувда муаллимлар ва тингловчилар берган кўпдан-кўп ғоят хилма-хил саволларда ҳозир Ўзбекистонда рўй бераётган ишларга бевосита жонли қизиқиш бор эди.

Республика экономикасида, агросаноатида қандай ўзгаришлар бор? Порахўрлик, кўзбўямачилик ва бир-бирини суяшга қарши гарантиялар қандай вужудга келтирилмоқда? Бу ишда партия ташкилотларининг роли қандай бўлмоқда? Орол масаласи нима бўляпти? Экологик проблемалар, медицина проблемалари қандай ҳал қилиняпти, деган саволлар Ўзбекистон аҳолиси каби ураликларни ҳам қизиқтиради.

— Биз бу ерда республикага самимий ёрдам бериш истакларини кўриб турибмиз, — деди Тошкент областидан 2-курс тингловчиси Абдуҳамид Бекмуротов.

Свердлдовск олий партия мактаби Россия Федерациясида етакчи мактаблардан биридир. Бу ерда Ўрта Урал, Бошқирдистон, Удмуртиядан келган 1200 дан ортиқ киши таълим оляпти. Ўрта Осиё республикалари, Қозоғистон вакиллари ҳам бор. Ҳозир бу ерда Ўзбекистондан келган ёшлар — партия, совет, комсомол, касаба союз ходимларидан 49 киши икки йиллик курсда таълим олмоқда.

— Айтиш мумкинки, республикангиздан келган тингловчилар программани муваффақият билан уддалашяпти, — дейди Свердловск ОПМ ректори В. М. Самков. — Программа эса жуда тиғиздир. Ҳар куни 6—8 лекция ва семинар соатлари, якка-якка дарс тайёрлаш, амалий машғулотлар бўлиб туради. Рус тилини яхши билмайдиганлар ҳам борлигини назарда тутиш керак. Ҳолбуки, бунинг учун ҳеч кимга енгиллик туғдирилмайди. Шундай қилиб, рус тилидан факультатив машғулотлар уюштирдик ва бунда ҳар душанба куни қўшимча икки соатдан машғулот бўлмоқда. «Миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш ва интернационал тарбия» деган яна битта муҳим курс ҳам киритилди. Шуларга қарамай, ҳамма биринчи, энг қийин сессиядан муваффақият билан ўтди. Тошкентлик Ҳамидулла Ражабов имтиҳонларни аълога топширди.

— Дастлабки ойлар жуда қийин бўлди, — дейди у. — Ҳар ҳолда ўқишдан совиб қолгандим, унга кўникиш осон бўлмади. Баъзан уддалай олармиканман, деган шубҳаларга ҳам борардим. Эндиликда ишлар юришиб кетди. Бўш вақтлар ҳам пайдо бўлиб қолди. Волейбол ўйнайман, чанғида уча бошладим.

— Бу ерда бизга ахборот устига ахборот тиқиштирмай, тарих ва ҳозирги замон ҳодисаларини мустақил равишда чуқур идрок этиш ва уларга баҳо беришга, назарияни амалда қўллашга ўргатишяптики, шуниси, айниқса, қимматлидир, — деб давом қилади сирдарёлик Фарид Шарипов.

— Ёмон ўқишга ҳаққимиз йўқ, — дейди уларнинг курсдоши навоийлик Владимир Чавичалов. — Ишлар қийин-қистоқ келган ҳозирги мураккаб пайтда партия бизга ўқиш, интеллектуал билимни бойитиш бебаҳо имкониятларини яратиб бермоқда. Биз кейинчалик ана шу қарзимизни қайтариб, билимларимизни ишда кўрсатмоғимиз керак.

Дарҳақиқат, тингловчиларга ўқиш учун, дам олиш ва маиший турмуш учун жуда яхши шароитлар яратиб берилган. Ётоқхонада шинам икки ўринли номерлар. Шундай қилиб тингловчи ўз хонасида ҳам, ҳар бир қаватда махсус ажратилган якка тартибда дарс тайёрлаш хоналарида ҳам шуғулланиши мумкин. Спорт секциялари кўп, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари хилма-хил. Буларда юртдошларимиз ҳам қатнашмоқдалар. 7 ноябрь ҳамда 8 март байрам кечаларида хоразмлик Гулбаҳор Сафоева билан қаршилик Аъзам Саидмуродов ўзбек рақслари ва қўшиқларини ижро этиб, зўр муваффақият қозондилар.

Лекция, семинар ва зачётлар, замонавий техникавий ўқитиш воситалари, компьютерлар ва партия мактабининг бой кутубхонасигина эмас, шу билан бирга бутун Свердловск партия ташкилоти, пролетар ва революцион анъаналарига, қайта қуриш тажрибаларига бой Уралнинг ўзи ҳам самарали таълим-тарбия муҳитини вужудга келтирган.

Масалан, заводларнинг заводи — пўлатни узлуксиз равишда қуядиган ноёб агрегатлар, машиналар ҳамда прокат станлари, экскаватор ва пармалаш қурилмалари ишлаб чиқарадиган машҳур «Уралмаш»да ўтказилган амалий машғулотлар ўзбекистонлик тингловчиларга кўп нарса берди. Бу маҳсулотлар бизнинг республикада ҳам яхши маълумдир. Завод музейида Улуғ Ватан уруши даврининг ҳужжатлари ҳам сақланмоқда. Ўшанда «Уралмаш» танклар, ўзиюрар тўплар ва бошқа ғалаба қуролларини тайёрлаб берар ва республикамизнинг юзлаб вакиллари ҳам бу ерда меҳнат армиясининг составида қаҳрамонона ишлагандилар.

Саноат билан шуғулланадиган кишилар учун «Уралмаш»да тўла хўжалик ҳисобини жорий этиш, реконструкциялаш, чет эл фирмалари билан бевосита алоқа ўрнатиш ва қўшма корхоналар очиш, маҳсулот хилларини янгилаш каби айни бугунги проблемалар қандай ҳал этилаётганлигини билиш нафли бўлди.

Наманган областидан келган комсомол ходимлари Орифжон Эргашев билан Исроил Тоҳиров, Владимир Чавичалов ва қолган тингловчиларга «Комсомольский» ёшлар уй-жой комплексини бориб кўриш қизиқарли бўлди. Зеро, Ўзбекистонда бу жуда муҳим иш ҳамон оқсамоқда. Ёшларнинг Свердловскдаги кўпгина корхоналар биргаликда қўллаб-қувватлаган бу ташаббуси катта-катта имкониятлар борлигини кўрсатди. Ёшларнинг қўли ва истеъдоди билан ажойиб бир шаҳарча барпо этилди ва унда ҳозирдаёқ 3,5 мингдан кўп киши яшамоқда. Физкультура-соғломлаштириш комплекси гўдаклардан момоларгача ҳаммани қабул қилади. Янги маданий-спорт комплекси битай деб қолди. Ҳамма квартираларда шу жой видеомарказининг кўрсатувлари қабул қилинади. Ёшлар уй-жой комплексининг кенгаши фестиваллар, концертлар, виставкалар, мусобақаларни муттасил ташкил қилиб турибди. Ҳар бир уйнинг ўз спорт командалари бор.

Бутун микрорайонга 200 та телефон номери ажратилган. Ҳаммага телефон етиши учун бу ерда ички АТС тармоғи ишлаб чиқилган. Болалар ўсмоқда, ёшлар уй-жой комплексининг архитектура устахонасига 2,5 минг ўринли таълим-тарбия марказининг лойиҳаси яратилди. Мактаб ёнида А. С. Макаренко колонияси тарбияланувчиларида бўлганига ўхшаш завод ҳам қурилади. Уни қуришга энди киришиляпти-ю, бўлғуси комплекснинг директорлари кенгаши сайланди. Улар кадрлар танлаб, мактабни жиҳозлаш ва ҳоказо масалаларини ҳал эта бошладилар.

— Ёшлар уй-жой комплекси — ўзлари учун уй қураётган ҳаваскорлик отрядларининг ўзигина эмас, — дейди социолог Марина Бедулева. — Комплекс одамларнинг қизиқарли дам олишини ташкил этиш, уларни тарбиялаш борасидаги чексиз имкониятларни ҳам билдиради.

Свердловскдаги вакилларимиздан шу тажрибаларни ўрганиб, уларни ўзлари билан уйга олиб келишларини сўрардик.

Шаҳар чеккасидаги «Верхнепишминский» совхозини бориб кўриш ҳам партия мактабининг тингловчилари бош қотирадиган кўпгина ахборот берди. Бу ерда тўрт йилдан бери маданий-соғломлаштириш маркази ишлаб турибди. Енгил металл конструкциялардан қурилган бу иншоот уч ярим ойда битирилди ва 800 минг сўмга тушди. Дарвозанинг ўнг томонида болалар ўйин автоматлари ва майдонча, чап томонида яшил бурчак, аквариум, пальмалар остида эса қулай кресло ва скамейкалар бор. Бу — момоларга аталган сокин ҳордиқ чиқариш зонаси, ундан нарида чоғроқ бир ҳовуз ва нарироқда рақс машғулотлари майдони, ундан сўнг киноконцерт блоки жойлашган. Ёнгинада кураш майдони бўлиб, спорт ўйинлари майдони унга туташади. Дискотекали бар учун ҳам жой топилган.

Зал ичида ҳеч бир ғов йўқ, 4200 квадрат метрли саҳн яққол кўзга ташланиб туради. Бу ерда оила-оила бўлиб ҳордиқ чиқарилади. Ҳамма учун кўнгилга ёқадиган машғулот топилади. Шунда бизнинг 5 миллион сўмга тушган ўймакор эшикли, духоба пардали, «тўгарак ишларига» аталган ўнлаб хоналари бўлган дабдабали қишлоқ клубларимиз беихтиёр ёдга тушади-ку, улардан фойдаланадиган кишилар оз.

— Свердловск областида шундай марказлардан тўрттаси ишлаб турибди, яна учтаси қурилмоқда, — деди область партия комитетининг секретари С. Б. Воздвиженский. — Ўзбекистонга типовой лойиҳаларни бериш, ниҳоятда истиқболли ишларни ташкил қилишга ёрдам кўрсатишга тайёрмиз...

Бу гал республикамиздан борган тингловчиларнинг ҳаммаси билан ҳам учрашиб бўлмади. Ҳозир иккинчи курс тингловчиларининг кўпчилиги Свердловск, Челябинск областлари, Бошқирдистоннинг партия комитетлари ва Советларнинг ижроия комитетларида, Уралнинг кўпгина шаҳар ва районларида икки ойлик стажировкадан ўтмоқда. Стажировка раҳбарларининг айтганларига кўра, тингловчиларнинг тайёргарлик даражаси етарлича юқори. Уларнинг ҳамкасблари билан баҳам кўришга арзигулик тажрибалари ҳам йўқ эмас. Масалан, ураликлар Тошкент областида коммунистларни аттестациядан ўтказиш тажрибаларига қизиқиб қолдилар. Улар партия ташкилотлари жанговарлик кўригини ўтказиш тажрибаларидан ҳам фойдаланмоқдалар.

Партия мактабининг раҳбарияти тингловчилар қайтиб борганларидан сўнг улардан қайси сифатда фойдаланиш мўлжалланаётганлигини эртароқ хабар қилишга истак билдирди. Бу нарса стажировка ўтказиладиган жойларни янада аниқроқ танлаб олишга ёрдам берган бўлур эди. Бундан ташқари республикада чиқадиган газета-журналларни, методик ва ўқув адабиётини кўпроқ юбориб туришни сўрашди. Свердловск ОПМ партия ва совет иши тажрибаларини умумлаштириш лабораториясининг мудири Г. В. Черкашин Ленинградга қилинган командировкадан ҳозиргина қайтиб келди. У Ленинграддан Тошкентда нашр этилган бир қучоқ китоб ва брошюраларни келтирди. Биринчи навбатда республикамиздан борган тингловчилар учун зарур қўлланмалар мана шу таҳлитда олинмоқда. Ҳолбуки, уларни тўппа-тўғри республикалардан олса бўларди.

— Кадрлар малакасини ошириш ишида Ўзбекистон партия ташкилоти билан алоқаларимиз партия мактабида ўқиш билангина чекланиб қолмайди, — дейди КПСС Свердловск область комитетининг биринчи секретари Ю. В. Петров. — Масалан, Сирдарё область партия комитети билан келишдик: эндиликда улар ўртоқларни бевосита бизнинг партия ва совет ташкилотларимизга бир йиллик стажировкага юбориб туришади. Бунга бизнинг маълум даражада қизиқишимиз ҳам йўқ эмас. Сиздан келган ходимлар бирор нарсани ўрганади ва шу билан бирга бизни ҳам бирор нарсага ўргатади. Ҳаммамиз XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига тайёрланяпмиз, қайта қуришнинг боришини умумлаштиряпмиз, таҳлил этяпмиз. Шунинг учун ҳам ҳозир тажриба алмашиш, айниқса, қадрлидир. Биз мана шу алоқалар мустаҳкамланиши тарафдоримиз. Энг муҳим жиҳати шуки, ҳар бир республика, ҳар бир халқнинг проблемалари муштарак проблемалар бўлиб, уларни фақат биргалашиб ҳал қилиш мумкин. Биз шунга асосланамиз.

**И. ҲИСОМОВ,**
**ЎзТАГ махсус мухбири.**

## Саъди Ҳасанович СИРОЖИДДИНОВ



Йирик математик олим, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати 1952 йилдан КПСС аъзоси, В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университети кафедрасининг мудири Саъди Ҳасанович Сирожиддинов 1988 йил 29 апрель куни, 68 ёшида вафот этди.

С. Ҳ. Сирожиддинов 1920 йил 10 май куни Қўқон шаҳрида туғилган. 1942 йилда Ўрта Осиё давлат университетини битириб, Совет Армияси сафларида хизмат қилди. Урушдан кейинги йилларда у ЎзССР Фанлар академияси Математика институти аспирантурасида ва СССР Фанлар академиясининг В. А. Стеклов номидаги Математика институтининг докторантурасида таълим олди. 1953 йилда докторлик диссертациясини ёқлаганидан кейин М. В. Ломоносов номидаги Москва давлат университетида профессор, ЎзССР Фанлар академияси Математика институтида директор бўлиб ишлади. 10 йилдан кўпроқ давр мобайнида ЎзССР Фанлар академияси Президиуми аъзоси, шу академия вице-президенти, 1966—1970 йилларда ва 1983—1987 йилларда В. И. Ленин номли Тошкент давлат университетининг ректори бўлди.

С. Ҳ. Сирожиддинов Ўзбекистонда эҳтимоллар назарияси ва математик статистика илмий мактабининг асосчиларидан бири бўлди, бу йўналишдаги, шунингдек математик анализ ва Ўрта Осиё математикаси тарихи соҳасидаги чуқур тадқиқотларнинг автори эди. С. Ҳ. Сирожиддинов 120 дан кўпроқ илмий асарлар ва бир қанча монографияларнинг авторидир. У 60 дан кўп фан доктори ва кандидатини етиштирди. Катта илмий хизматлари учун у 1956 йилда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, 1966 йилда шу академиянинг ҳақиқий аъзоси, бир қанча халқаро ва Бутуниттифоқ математика жамиятлари ҳамда илмий кенгашларнинг аъзоси этиб сайланди.

С. Ҳ. Сирожиддинов ўзининг самарали илмий-педагогик ишини катта ташкилотчилик ва жамоатчилик фаолияти билан бирга қўшиб олиб борди. У Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзоси, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати ва Раиси этиб сайланган эди.

С. Ҳ. Сирожиддинов партия ишига садоқати, актив гражданлик позицияси, камтар ва меҳрибонлиги билан ажралиб турарди. У республика илмий жамоатчилигининг иззат-ҳурматига сазовор бўлди.

Партия ва ҳукумат С. Ҳ Сирожиддиновнинг илмий-педагоглик ва жамоатчилик фаолиятига юксак баҳо бердилар. У Ленин ордени, Октябрь революцияси, Меҳнат Қизил Байроқ, Халқлар дўстлиги орденлари билан, медаллар билан мукофотланган эди. У Беруний номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотига ва «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвонига сазовор бўлган эди.

Ватаннинг содиқ фарзанди, олим ва инсон Саъди Ҳасанович Сирожиддиновнинг ёрқин хотираси қалбимизда ҳамиша сақланади.

**Р. Н. Нишонов, Т. А. Алимов, В. П, Анишчев, В. А. Антонов, В. А. Головин, П. В. Догонкин, А. С. Икромов, Ғ. Ҳ. Қодиров, В. Н. Лобко, В. И. Огарок, Н. И. Попов, К. Саликов, П. Ҳабибуллаев, М. Ҳ. Холмуҳамедов, Ҳ. Алимова, И. Ҳ. Жўрабеков, Б. Ф. Сатин, В. А. Хайдуров, С. У. Султонова, М. С. Салоҳиддинов, Н. Тўхлиев, О. В. Лебедев, Т. Рашидов, З. Салимов, Э. Юсупов, Т. А. Саримсоқов, Ш. О. Алимов, Т. Ж. Жўраев.**

## • Дўст тили

# ЎЗБЕКЧА—РУСЧА СЎЗЛАШУВ КИТОБИ

Бу китоб саҳифаларини варақласангиз, баҳри дилингиз очилади. Муқовасига икки тилда «Ўзбекча-русча сўзлашув китоби», ва «Русча-ўзбекча сўзлашув китоби деган иборалар ёзилган. Муқова остида эса Москва, «Рус тили» нашриёти, 1988 йил, деган гриф бор.

Шундай қилиб, филология фани ҳозирги куннинг энг долзарб вазифасига «лаббай» деб жавоб берди. Ҳаёт икки тилликнинг тарқалиши, совет халқларининг янада яқинлашуви, турли миллатларга мансуб бўлган кишилар дўстлигининг мустаҳкамланиши учун ана шундай китобнинг кўп нусхада чиқарилишини тақозо этган эди. Мана буни оперативлик деса бўлади, Тошкентдан кейин Москвада ушбу сўзлашув китоби нашр этилибди.

Бу китобчани икки тилшунос: Москва геология-қидирув институти рус тили кафедрасининг мудири Владислав Игоревич Красних ва Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси Тил ва адабиёт институти катта илмий ходими Султон Эшпўлатович Ғойибов биргаликда тузишган. Красних анчадан буён китобнинг ғояси, структураси таркиби устида бош қотирар эди, Ғойибов эса мутахассис сифатида ўз ҳиссасини қўшди, у иккала тилни ҳам мукаммал билади, бу тилшунослар орасида кўп учрайдиган ҳодиса эмас.

В. И. Красних ва С. Э. Ғойибовнинг сўзлашув китобини завқ билан очиб, дарров ўқишга тушиб кетасиз. Ҳар бир бобдаги сўзлар аниқ ва пухта, кундалик ҳаётингизда зарур бўлади. Улар фаҳм-фаросат билан лўнда таржима қилинган. Бу сўзлар магазинга ёки врач ҳузурига кирганингизда, автобус ёки таксида кетаётганингизда, бозор ва почта, мактаб ва қурилиш ёки заводга борганингизда, армияда хизмат қилаётганингизда, ёки кинотеатрга тушганингизда, об-ҳавони билмоқчи бўлганингизда зарур бўлади, саёҳатда ҳам, байрамда ҳам қўл келади, борингки, ГАИ инспектори билан мулоқотда ҳам ёрдамга келади... Рус ҳам, ўзбек ҳам бу китобдан турмушда зарур бўладиган сўзлар ва ибораларни топа олади.

— Биз ҳам бу китобни тузишда шуни мақсад қилиб қўйганмиз, деди С. Э. Ғойибов. Қўшнилар, мижозлар билан гаплашсангиз, биронбир нарсага буюртма берсангиз ҳам бу сўзлашув китоби сизга ёрдамчи бўлади. Хуллас, қардош халқ тилида сўзламоқчи кишига сўзлигимиз ҳамроҳ бўлади, деб ўйлаймиз.

Китобчага чиройли илова ҳам берилган. Бу ердаги сўзлар одамларнинг фазилатига, рақамларга тааллуқли, бундан ташқари иловада ўзбек мақол ва маталлари бор. Улар рус тилига таржима қилинган ёки муқобил вариантлари берилган. Бу жуда қизиқ.

Китобчанинг сўнгги саҳифасида асар 25 минг нусхада босилгани қайд этилибди. Китобча Тошкентга келтирилиши биланоқ тарқаб кетди. Ахборот агентлигимизда 300 га яқин ходим бор. Аммо шулардан фақат биттасигина шу китобчага эга бўлибди...

Шубҳа йўққи, бундай китоблар жуда кўп нусхада нашр этилиши, унга ҳар бир одамнинг «қўли етиши» керак. Интернационализмни тарбиялашдек муқаддас ишга қоғозни ҳам, маблағни ҳам аямаслик зарур. Бу соҳадаги тежаб-тергаш қандай оқибатларга олиб келишини биз кўрдик-ку, ахир.

Китобча яна қайта нашр этилганида ҳажмини бироз ихчамлаштириш мумкин бўлур эди, деб ўйлаймиз, шунда ундан фойдаланиш қулайроқ бўлади. Ҳар бир боб учун чиройли суратлар чизилса, маъқул бўлур эди. Китобнинг муқоваси қалин, тилмайдиган бўлиши керак, чунки у чўнтакда, портфелда, сумкада олиб юришга мўлжалланган. Аммо ҳар қалай китобчани 25 минг нусхада эмас, балки каттароқ тиражда нашр этиш лозим.

Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитетида айтишларига қараганда, биринчидан, китоб савдоси идораси харидорларнинг талаби асосида «Рус тили» нашриётига китобнинг қўшимча нусхаларини чиқариш тўғрисида буюртма бериши мумкин. Иккинчидан эса, авторлар билан ана шу китобни Тошкентда чоп этиш тўғрисида шартнома ҳам тузса бўлади. Лекин бу масалаларни пухта ўрганиб чиқиш керак.

Ҳозирча ана шу ўрганишнинг самараларини кутамиз.

**Ю. КРУЖИЛИН,**
**ЎзТАГ мухбири.**

## Далаларда меҳнат нафаси

**Редакциямизнинг агросаноат бўлими шу йил апрель ойида жойлардан юзлаб хат-хабарлар олди. Уларда шу куннинг қайноқ нафаси: пахта далаларидаги зарбдор ишлар, боғбону-соҳибкорларнинг интилишлари, чорвадору-пиллакорларнинг ёрқин марралари мадҳ этилади.**

— Сирдарё районидаги «Правда» колхозининг 3-участкасида чигит экиш тугалланди, — деб ёзади сирдарёлик қаламкаш **А. Бурлиев.** — Мавжуд 730 гектар майдонга барака уруғи саккиз иш кунида қадалди. Экин-тикин ишларида етти экипаж механизаторлари алоҳида ғайрат кўрсатишди. Участка пахтакорларининг нияти бу йил ҳар гектар майдондан олинажак ҳосилни 35 центнерга етказиш...

— «Олтинкўллик пахтакорлар чигит экишда Андижон областида пешқадамлик қилишди. Райондаги «Октябрь», Куйбишев номли, «Коммуна» колхозларида ҳам муҳим иш бар вақт тугалланди», — деб хабар қилади жамоатчи мухбиримиз С. Абдураҳимов.

Бундай сатрларни **А. Қорабоев** (Наманган), **З. Савриева** (Бухоро), **Т. Исмоилов** (Тошкент), **У. Нарзиев, Ш. Маҳмудов** (Қашқадарё), **О. Нодиров У. Қурбонов** (Фарғона), **А. Алпомишев** (Жиззах), **О. Абдуллаев** (Хоразм), **У. Саидов** (Самарқанд), **С. Йигиталиев, У. Мирзааҳмедов** (Андижон)лар йўллаган хат-хабарларда ҳам ўқиш мумкин.

Яна бир туркум хатларда республикамиз пиллакорларининг шу кунларда ипак қурти боқиш мавсумига тайёргарлик ишлари ҳақида ҳикоя қилинади. Навоийлик **Э. Атоев** «Қизилтепа районининг 262 тонналик «кумуш тола» хирмонига муносиб ҳисса қўшишга интилаётган «Бўстон» совхози пиллачилик звеноларида қурт боқиш учун барча шароитлар яратилган, деб хабар қилса, андижонлик **Р. Жуманиёзова** хўжаободлик «кумуш тола» ижодкорларининг шу кунги ибратга сазовор ишларини қаламга олган. Шунингдек, наманганлик **Б. Маҳмудов,** бухоролик **Л. Эргашева** ва бошқалар ҳам шу мавзуда мактублар юборишган. Наманганлик **С. Даминов** эса Чортоқ райони боғбон-соҳибкорларининг бугунги мардонавор меҳнатлари ҳақида ёзади.

# САЛОМ, БИРИНЧИ МАЙ!

**(Давоми. Боши иккинчи бетда).**

Намойишчилар шаҳарнинг марказий кўчалари ва майдонидан кўтариб ўтган шиорларга зарбдор меҳнат қилишга, ишлаб чиқаришнинг янги резервларини излашга, беш йилликнинг учинчи йили вазифаларини бажаришга, даъват этувчи сўзлар ёзилган.

● **ҚАРШИ.** 1 Май байрамини қаршиликлар гуллар ва музика билан кутиб олдилар. Бунинг боиси бор, албатта, меҳнат коллективлари беш йилликнинг учинчи йили тўрт ойлик топшириқларини муваффақиятли бажардилар.

Байрам арафасида шонли воқеа рўй берди: полиэтилен дренаж қувурлари ишлаб чиқарадиган завод қуриб битказилди. «Қаршитермопласт» деб аталган бу корхона республика жануби учун саноатнинг янги йўналиши бўлган сув хўжалиги қурилиши учун пластмасса буюмлар ишлаб чиқаришнинг биринчи қалдирғочи бўлди.

«Шўртангаз» бошқармасининг коллективлари байрамга ажойиб армуғон ҳозирладилар. Йил бошидан буён улар планга қўшимча тарзда 100 миллион кубометрдан кўпроқ «зангори олов», минглаб тонна нефть ва конденсат қазиб олдилар.

Қўриқ область меҳнаткашлари қайта қуришга фаол киришдилар. Юзлаб меҳнаткашлар, бутун коллективлар Бутуниттифоқ XIX партия конференциясини муносиб кутиб олиш учун зиммаларига оширилган мажбуриятлар қабул қилдилар.

● **НАВОИЙ.** Индустриал Навоий меҳнаткашлари байрам намойишига Совет Иттифоқи халқларининг бузилмас дўстлигини шарафловчи шиорларни кўтариб чиқдилар. Мамлакатимизнинг турли ўлкаларидан келган кишилар Ўзбекистоннинг ана шу навқирон шаҳарларидан бирини бунёд этдилар.

— Бригадамизда кўп миллат вакиллари ишлашмоқда — дейди Навоий қурилиш бошқармаси пардозловчилар комплекс бригадаси раҳбари, Ленин ордени нишондори Г. Подворчан. — Биз ягона оила фарзандларимиз. Яхшироқ ишлаб, одамлар учун кўпроқ уй-жой қуриб бериш ҳаммамизнинг ягона эзгу орзумиз.

Бу интернационал бригадада иш яхши бормоқда. Бригада тўрт ойлик топшириқни муддатидан илгари адо этди ва Навоий шаҳридаги қурилиш коллективлари ўртасида майолди социалистик мусобақасининг ғолиби деб топилди.

Бошқа меҳнат коллективларининг вакиллари ҳам партия ва Ватанимизга миннатдорчилик туйғуларини кўнгилларига жо этиб В. И. Ленин номли майдондан ўтдилар.

● **НАМАНГАН.** Наманґандаги «Облремстройтрест» коллективи Биринчи Майни ишлаб чиқариш программасини ошириб бажариш билан кутиб олди. Йил бошидан бери пландан ташқари 220 минг сўмликдан кўпроқ иш бажарилди.

Наманганлик ремонтчилар бундан икки йил муқаддам коллектив пудрат асосида ишлашга ўтган эдилар. Трест коллективи етарли тажриба тўпланганидан кейин, яъни бу йилдан тўла хўжалик ҳисобида ишлай бошлади. Рентабеллик кескин ошди.

Намойишчилар колоннаси узра кўтарилган панноларга ғалаба рапортлари, оширилган мажбурият рақамлари ёзилган. Область меҳнаткашлари зафарларини экономикадаги қайта қуриш билан, ҳар бир киши ўзини ишлаб чиқариш хўжайини деб ҳис этиш имконияти билан боғламоқдалар.

● **САМАРҚАНД.** Шаҳарнинг бош майдонидан ўтган намойишчилар колонналари узра кўтарилган шиорлар ва плакатларда ишчилар ва мутахассислар ишлаб чиқаришни бошқаришда активроқ қатнашишга даъват этилган эди. Бу тасодифий эмас, албатта. Самарқанддаги корхоналарда ишлаётган анчагина бригадирлар, участка ва цехлар бошлиқларини меҳнат коллективларининг ўзлари сайлашган. Лифтсозлик заводининг кабина йиғиш участкаси ишчилари Ш. Тоировни ўз раҳбарлари этиб сайлаб, янгилашмаган эканлар. Билимдон мутахассис уқувли раҳбар бўлиб чиқди. У ишни шундай ташкил этдики, кўп ўтмасдан участка қолоқликдан чиқди.

Байрам колонналарида «Самаркандводстройи н д у с т р и я» бирлашмасининг меҳнаткашлари ҳам бор эди. Бу коллектив ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиб, тўрт ойлик планни муддатидан илгари бажарди. Самарқанд химия заводи меҳнаткашлари хўжаликни янгича бошқариш эвазига ишлаб чиқаришни тўхтатмай туриб, корхонани тубдан реконструкция қилиш имкониятига эга бўлдилар. Юксак унумли ускуна ўрнатилиб, маҳсулот сифати анча яхшиланди.

● **ТЕРМИЗ.** Тинчлик ҳамда давлатлар ва халқлар ўртасидаги дўстликка даъват байрам колонналарининг бош хислати бўлди. Чегарадаги шаҳар меҳнаткашларининг интернационал бурчни бажаришга қўшаётган ҳиссаси салмоқлидир. Термиз аҳли Афғонистон Республикаси билан ҳар томонлама алоқаларни ривожлантиришга фаол ёрдам бермоқда.

Термиз порти дарёчилари Бутуниттифоқ XIX партия конференциясини муносиб кутиб олиш учун мусобақага қўшилиб, графикдан ўзиб ишламоқдалар. Улар йил бошидан бери жанубдаги қўшни мамлакатга пландан ташқари 8 минг тоннага яқин юк ташиб бердилар. Афғонистоннинг Европа мамлакатлари, аввало, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар билан иқтисодий алоқалари кенгайиши таъминланди.

Сурхондарё области билан Афғонистоннинг Балх вилояти ўртасида бундан бир йил муқаддам ўрнатилган бевосита оталиқ алоқалари актив ривожланмоқда. Сурхондарёликлар ўз дўстларига техника, чигит, кенг истеъмол товарлари жўнатмоқдалар. Ана шундай товарларнинг сўнгги туркуми Савр инқилобининг 10 йиллиги арафасида жўнатилди.

Қишлоқ меҳнаткашлари 1 Майни далаларда зарбдор меҳнат билан нишонламоқдалар. Сурхондарё область агросаноат комитети бу йил республикада биринчи бўлиб хўжалик ҳисобига ўтди.

● **ГУЛИСТОН.** Ажойиб баҳор байрами арафасида Гулистон шаҳрининг ҳуснижамоли яна ҳам очилиб кетди. Бунда «Узтрансспецстрой» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 128-кўчма механизациялашган колонна коллективининг ҳам хизмати бор. Мусобақа пешқадамлари — қурувчилар тўрт ойлик планни муваффақиятли бажардилар.

Сирдарё область босмахонаси, Гулистондаги нон заводи, хўжалик ҳисобидаги 3-автотранспорт корхонаси илғор коллективлари шаҳарнинг бош майдонидан ягона сафда шахдам қадам ташлаб ўтдилар, бу коллективлар майолди социалистик мусобақасида пешқадам бўлдилар.

● **ФАРҒОНА.** Область меҳнаткашлари ўз муваффақиятларини партиямизнинг қайта қуриш, социал-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш йўли билан боғламоқдалар.

«Фергананефтеоргсинтез» бирлашмасининг вакиллари намойишчилар колоннасида шахдам қадам ташлаб бордилар. Корхона партия ташкилоти коллектив ўртасида катта иш олиб бормоқда. Бу ерда меҳнаткашларни меҳнат коллективлари кенгашлари воситачилигида ишлаб чиқаришни бошқаришга жалб этиш орқали уларни демократия руҳида тарбиялаш бошланди. Иқтисодий ўқув яхши ташкил этилган.

Роза Люксембург номли пиллакашлик фабрикаси меҳнатчилари шаҳар кўчалари ва майдонларидан кўтаринки руҳ билан, байрам кайфияти билан ўтдилар. Пиллакашлар ўтган йилиёқ оширилган смена режимида ишлашга ўтишган эди. Ускуналардан самарали фойдаланиш оширилган мажбуриятларни муваффақиятли бажаришга имкон бермоқда.

Намойиш қатнашчилари социалистик қурилишда янги муваффақиятларга эришишга, КПСС XXVII съезди томонидан қўйилган вазифаларни бажаришга азму қарор берганликларини изҳор этдилар.

● **УРГАНЧ.** Урганчдаги ўрта ва олий мактабларнинг энг яхши муаллимларига байрам намойишини бошлаб беришдек шараф муяссар бўлди. Бу тасодифий эмас. КПСС Марказий Комитетининг 1988 йил февраль Пленуми ўрта ва олий мактаб олдига янги вазифалар қўйди. Ҳар томонлама камол топган ёшларни тарбиялаш — ўқитувчиларнинг бурчидир. Колоннага СССР халқ ўқитувчиси, КПСС XXVII съезди делегати М. Ёқубова бош бўлди. Шаҳардаги барча 20 та ўрта мактабнинг юқори синф ўқувчилари ўқитувчилар билан ёнма-ён боришди.

Ёғ-мой комбинати, 167-қурилиш трести ва «Хорезмсовхозводстрой» трести меҳнаткашлари ўз муваффақиятлари ҳақида рапорт бердилар. Биринчи Май арафасида бу коллективларга КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил Байроқлари топширилди.

Тинчлик ва меҳнат байрамини тўрт ойлик топшириқни муддатидан илгари бажарган газчилар ҳам меҳнат армуғонлари билан кутиб олдилар. Улар мамлакатнинг марказий районларига пландан ташқари 100 миллион кубометрдан кўпроқ «зангори ёнилғи» етказиб бердилар.

**Биринчи Май куни Ўзбекистон ишчилари, колхозчилари, меҳнаткаш зиёлилари Ленин партиясининг совет жамияти ҳаётининг барча жабҳаларини қайта қуриш, демократияни янада ривожлантириш йўлини бажонидил қўллаб-қувватлаётганликларини намойиш қилдилар. Улар КПСС XXVII съезди белгилаб берган программани амалга оширишга азму қарор берганликларини изҳор этдилар. Республикамиз аҳли барча мамлакатлар меҳнаткашларининг озодлик, мустақиллик, социал тараққиёт ва Ер юзида тинчлик учун кураши билан қизғин бирдам эканликларини айтдилар.**

**Р. БИЧУРИН, Е. ВЕЛИЧАНСКАЯ, П. ВОДОЛАЗОВ, В. ДРАЧЕВ, Л. ЕЛИЗАРОВ, Ю. ИБРОҲИМОВ, К. НИЗОМОВ, Г. ОГОРОДОВ, С. РУХМАЛЕВ, Л. ТОКАРЕВ, А. ФОЗИЛОВ, В. ШУМАЙЛОВ** — Ўзбекистон Ахборот агентлигининг мухбирлари.

